



Козон шахрида Россияда илк халол савдо маркази курилади. Бу хакида ProKazan наши хабар килади. Татаристон Республикаси инвестицион ривожлантириш Агентлиги раҳбари Талия Минуллинанинг айтишича, бу мамлакатдаги мусулмонлар кадриятларини таргиб килувчи биринчи савдо маркази бўлади. Унинг сўзларига кўра, савдо марказида нафакат халол маҳсулот ва хизматларга эга дўкон ва кафелар бўлади. Бу жойнинг ўзи барча Исломий конун-коидаларни хисобга олган холда, бутун оила билан кулагай вакт ўтказиш учун жой ва ишбилармонлик майдонига айланади.

Лойихага кўра, савдо марказининг биринчи каватида савдо заллари ва ресторанлар, иккинчи каватида хам ресторанлар ва кенг ўйин худуди жойлашган бўлиб, бу ерда ота-оналар уч ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болаларни уларни ўйнатишдан ташкари, Исломий конун-коидалар асосидаги дастурларга ўргатадиган аниматорлар назорати остида колдириши мумкин. Мажмуада банкет зали, намозхонлар ва тахорат учун хоналар, алохида кириш жойи бўлган эркаклар ва аёллар учун алохида спорт заллари хам жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Лойихага кўшимча равишда озик-овкат етказиб бериш хизмати хам ишлайди. Буларнинг барчаси халол турмуш тарзини ривожлантириш бўйича йўл харитаси доирасида амалга оширилади. Бу чора-тадбирлар «Россия – ислом дунёси» дастурига мувофик амалга оширилади.

2019 йил ноябринда Козон турмуш сифати бўйича яхши шахри деб тан олинди. Иккинчи

ўринни Грозний ва учинчи ўринни Тюмень эгаллади. Кучли ўнликдан шунингдек, Краснодар, Москва, Санкт-Петербург, Иркутск, Севастополь, Уфа ва Кемерово хам ўрин олди.